

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 131050**

2022 йил « 12 » август

Жиззах шаҳри

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Анорбоев, бир томондан, ва “Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ў.Отабобоев иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ Ш.Рашидов тумани "Оқтош ота" МФЙ массивларига олиб борувчи автомобил йўлларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади
- 1.2. Хизматлар курсатиш муддати: 10 кун

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил “ 9 ” августдаги № 131050-сонли мажлис баённомаси қарорига асосан ҚҚС билан 378 000 000 (уч юз етмиш саккиз миллион) сўмни ташкил этади.
- 2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.
- 2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:
- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.
- 2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.
- 2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

- 3.1. Объект бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:
- 3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;
- 3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;
- 3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.
- 3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.
- 3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин куйидагиларни амалга оширишга мажбур:
- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош торса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочиға юбормаса, Лойиҳа Буюртмачиға тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочиға тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочиға тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочиға боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолангандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачиға тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачиға маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгиладиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачиға топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчиға туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи қафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) куйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдориди пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдориди пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдориди жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга кириди ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият маҳалласи. Пахтакор кучаси 10 уй
Ш/х: 3045 2186 0084 0170 4512 9118 518
ИНН: 304 897 494, ОКЭД: 71 120
Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014 ИНН 201129919



Директор

Ш.Анорбоев

ИЖРОЧИ:

“Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ

Жиззах шаҳри Маданият маҳалласи
Пахтакор кўчаси 9 уй

Х/р: 2020 8000 1040 5928 9001

АЖ “Асака банк” Жиззах филиали
МФО 00140,

ИНН 203 294 197

ОКЭД: 71 110



Директор

Ў. Отабобоев

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура қуйидагилар аниқланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Жиззах МИБХ” ДУК

Бош юристконсульти:

Ф. Кулматов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати давлат унитар корхонаси
директори



Ш.Анорбоев

2022 йил

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси танлов комиссиясининг ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича танлаш иштирокчилардан шикоят тушмаганлиги тўғрисида

БАЁННОМА № 9 Ж

“12” август 2022 йил

Жиззах шаҳри

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|--------------------------|--------------------------------|
| 1. Саримсоқов Шарофиддин | Бош муҳандис, комиссия раиси |
| 2. Шойматов Санжар | Булим бошлиги, котиб |
| 3. Умурзаков Шодиёр | Бош ҳисобчи, комиссия аъзоси |
| 4. Қулматов Фарход | Юрист, комиссия аъзоси |
| 5. Жумаев Саидахмад | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |
| 6. Боймурадов Шавкат | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА :

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли қонунига асосан 2022 йил 23-апрелда электрон тизим орқали ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари муҳакамаси тўғрисида

ЭШИТИЛДИ : Танлов комиссияси раиси Ш.Саримсоқов сўзга чиқиб давлат харидлари электрон тизими орқали

Лот рақами	Объект номи	Буюртмачининг таклиф нархи	Танлаш ғолибининг таклиф нархи
22110012131050	Ш.Рашидов тумани "Октош ота" МФЙ массивларига олиб борувчи автомобиль йўлларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш	398 000 000	378 000 000

юқорида кўрсатилган объектлар бўйича лойиҳа смета ҳужжатларин тайёрлаш учун “JIZZAX YO`LLOYINA” МЧЖ ғолиб деб топилди, Танлов аъзоларидан 2 (икки) кунлик муддат ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушган ёки тушмаганлигини хақида сўради.


Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ш.Умурзаков, Ф. Кулматов, С.Жумаев, Ш.Боймурадовлар сўзга чиқиб танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлигини ўз сўзларида маълум қилди.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб комиссия

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Мазкур танлашда давлат харидлари электрон тизими орқали ғолиб деб топилган “JIZZAX YO‘LLOYINA” МЧЖ билан шартнома имзолансин.

1. Саримсоқов Шароффиддин
2. Умурзаков Шодиёр
3. Кулматов Фарход
4. Жумаев Саидахмад
5. Боймурадов Шавкат



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилояти ҳокимининг
Уринбосари

Х. Хасанов
2022 йил



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 декабрдаги № ПФ-32-сонли Фармони ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги № 94-сонли раёсат баёнига асосан
Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан "Янги Ўзбекистон" массивларига олиб борувчи автомобил йўлларини куриш-таъмирлаш бўйича лойиха-қидирув ишлари учун

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(млн. сўм)

№	Лойихалаштирилган объект номи ва манзили	Лойихалаштирилган объект куввати (км)	Куришиш ишларининг бошланishi ва тугаши йили	Куришишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	* 2022 йил учун лимит	Лойиха босқичи ДТНА, ТНА, ДТНХ, ТНХ, ИЛ, ИХ, ТХ	ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛҚИнинг бажарилган ЛҚИ	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛҚИнинг қолдиқ қиймати	2022 йилда қўйлаётган ЛҚИ	ЛСХ ларини буюртмачига топшириш, буюртмачи томонидан тасдиқлаш муддатлари	Лойихалаштириш учун асос (ВМ, Карорлари, фармойишлари, топшириқлари ва х.к)	Лойихаловчи институт номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Жами		2,7		15 900,0	15 900,0		398,0			398,0			
1	Ш. Рашидов тумани "Октош ота" МФЙ массивларига олиб борувчи автомобил йўлларини куриш	2,7	2022-2023 йй	15 900,0	15 900,0	ИЛ	398,0			398,0	2022 йил III чорак	Ўз Рес През Фармони 09.12.2021 й №ПФ 32-сонли фармони	танлов асосида

* Лимитлар лойиха-смета ҳужжатлари ва тендер(танлов) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилган.

"КИРИТИЛДИ"

"Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унгар корхонаси директори

Ш. Анорбоев
2022 й



"КЕЛИШИЛДИ"

Жиззах вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи

Х. Рахматов
2022 й



"КЕЛИШИЛДИ"

Жиззах вилояти Молия бош бошқармаси бошлиғи.

А.Рахматуллаев
2022 й



Handwritten signature in blue ink.